Қириш. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, ирригация ва мелиорация объектларини ривожлантириш, уларнинг хавфсиз ва беқарор ишлашини таъминлаш, сув ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш, шу асосда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш барқарорлигига эришиш вазифалари қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрда қабул қилинган 3405-сонли қарорига асосан “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини ва ирригациясини яхшилаш бўйича 2018–2019 йилларга мўлжалланган давлат дастури”да ҳам ирригация объектларидаги 4012 дона, сувдан фойланувчилар уюшмалари ҳисобидан

ги 2659 дона насос агрегатларини ҳамда 8 та мелиоратив насос станцияларини тиклаш ва таъмирлаш ишларини бажариш режалаштирилган [1].

Ҳозирда мамлакатимизда сувни юқорига кўтариб бериш машина тизимларидан фойдаланилган ҳолда, қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг 50 фоиздан ортиқроғи суғорилади. Сув истеъмолчиларига керакли миқдорда сувни етказиб бериш тизимда фойдаланилаётган насос агрегатларининг техник ҳолатга боғлиқ бўлиб, уларнинг ишончли ишлашини таъминлаш учун турли техник ва технологик тадбирлар қўлланилади.

Асосий қисм. Насос агрегатларининг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда олиб борилган назарий тадқиқотлар ва таҳлиллар, замонавий диагностика ускуналарини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш йўналишида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Насос агрегатлари техник ҳолатини диагностика қилишдан асосий мақсад фойдаланиш давомида уларда содир бўладиган носозликларни олдиндан аниқлаш ва узоқ вақт ишончли, бузилмасдан ва самарали ишлашини таъминлашдир.

Ишлаш шароити бир хил бўлган, бир турдаги ёнма-ён ишлатилаётган насос агрегатларини кузатишлар натижасида, уларда содир бўладиган титрашлар (вибрация) нинг миқдори турли хил бўлиши аниқланди. Аму-Бухоро машина канали ва Қарши магистрал канали ирригация тизими бошқармаси таркибига кирувчи насос станцияларидаги агрегат ва жиҳозларидан фойдаланиш жараёни тахлили шуни кўрсатдики, сувнинг таркибидagi оқизикларнинг, кум-лойқаларнинг меъеридан ортиқ бўлиши, кўп ҳолларда кавитацион режимда ишлаши ва насос станцияларида ўз ресурсини ўтаб бўлган ва бир неча марта таъмирланган жиҳоз ҳамда ускуналарнинг ишлатилаётганлиги насос агрегати қисмларида тўсатдан бўладиган хавфли титрашлар содир бўлганлиги аниқланган [2, 3, 4].

Насос агрегатларининг ҳолатини аниқлашда ҳозирги кунда асосан кўчма ёки вақтинчалик диагностика қилиш асбоб-ускуналаридан фойдаланилиб келинмоқда. Насос агрегатларининг ҳолатини аниқлашда эса назарий-информацион ёндашув усулини қўллаш яхши натижа беради [5].

Насос станцияларини ишлатиш жараёнида насос қурилмаларини қисмларга ажратмай, уларда содир бўладиган кавитация, босим, сув сарфи ва ФИКларнинг узилиб-узилиб пасайиши, шунингдек, шовқин ва титрашларнинг ҳосил бўлишини замонавий диагностик усулда аниқлаш мумкин. Шу мақсадда ишлаётган насос агрегатларида, назорат параметрик ва титраш синовлар ўтказиб, уларга таъсир этувчи ташқи ва ички омилларини доимий назорат қилиш тизимининг ишончли ишлашини таъминлаш катта аҳамиятга эга.

Насос агрегатларининг титраш ҳолатига баҳо бериш, давлатлараро меъёрий ҳужжатлар - ГОСТ ISO 10816-1-97, ГОСТ ISO 10816-3-2002 асосида амалга оширилади. Давлатлараро меъёр титраш параметри меъёри қи-

либ, стационар ишлаб турган насоснинг ишчи қисмида титраш-сурилишининг ўрта квадрат частотаси миқдори $10 \div 1000$ Гц. га тенг бўлгандаги ҳолати ўрнатилган.


Насос вали, сув юриш йўлларида ёки насос қурилмасининг бошқа қисмларида титраш пайдо бўлса, шовқин ҳосил бўлса, носозликлар содир бўлса ва бошқа нуқсонлар сезилса насосни дарҳол тўхтатиш учун доимий диагностика тизимида бу жараёнлар намоён бўлади.

Насос агрегатларининг авариясиз ва узлуксиз ишлашини таъминлайдиган асосий узеллар, подшипник ва сальниклар ҳисобланади. Шунинг учун насос валларида содир бўладиган титрашлар таъсири натижасида уларнинг ҳолатини доимо назорат қилиб турилиши талаб этилади. Бу жараённи бажариш натижасида турли хил сабабларга кўра келиб чиқадиган ва содир бўладиган тебранишларни назорат қилиш ҳамда уларнинг ўз вақтида олдини олишга эришилади.

Тажибалар ўтказиш учун “Сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш” кафедрасида мавжуд бўлган лаборатория стендидан фойдаланилди. Бу стенд ўз ичига электродвигатель, куч узатиш муфтаси, насос қурилмаси, сув босимини ўлчаш учун манометр, сувни беркитиш ва очиш учун зулфак, сув олиш учун идиш ва насоснинг айланишлар сонини ўзгартиш қурилмасидан ташкил топган. Сув олиш сиғимлари керакли миқдорда сув билан тўлдирилади. Сувни беркитиш ва очиш учун зулфак ёрдамида сув очилиб, қувур орқали насос ишчи камерасига узатилади. Электродвигателга қувват берилиб насос қурилмаси ишга туширилади (Расм).

Насос қурилмаси ҳар хил тартибда ишлатилиб тизимда содир бўлаётган тебранишлар миқдори аниқланади. Бу стенд ёрдамида насос агрегатларида содир бўладиган титрашларнинг миқдорини аниқлаш учун насос агрегатлари қуйидаги ҳолатларда ишлатилди:

- насос агрегатига сув бериш миқдори ва сатҳи турли хил бўлган ҳолатда;
- сувнинг таркиби тоза ва оқизиклар бўлган ҳолатда;
- сувнинг таркибида лойқа ва оқизиклар бўлган ҳолатда;



1-электродвигатель; 2-редуктор; 3-насос парраги; 4-сув босимини ўлчовчи манометр; 5-кран; 6-сув идиши; 7-насос айланишлар сонини ростлаш қурилмаси; д-титрашларни аниқловчи датчиклар.

Расм. Насосда содир бўладиган титрашларни аниқлаш стендининг кинематик схемаси

- электр энергияси меъёрида бўлган ҳолатда;
 - электр энергияси меъёридан кам бўлган ҳолатда;
 - тўсатдан энергияни узилиши бўлган ҳолатда;
 - айланувчи қисмларда роторда, ишчи парракда ва валда мувозанат бўлган ҳолатда;
 - айланувчи қисмларда роторда, ишчи парракда ва валда мувозанат бузилган ҳолатда [4].

Насос қурилмасига берилаётган сувнинг миқдорини ўзгартириш учун сув идишидаги сувнинг миқдори турли хил сатҳда бўлиши таъминланади. Тажриба ўтказишда сувнинг таркиби тоза, лойқа ҳамда оқизиклар бўлганда насос агрегатида бўладиган ўзгаришларни аниқлаш учун идишга лойқа сув қуйилади, иккинчи ҳолатда идишнинг ичига 2-3 см қилиб майдаланган дарахт ва қамиш шохлари ташланади. Насос агрегатида берилаётган электр энергиянинг миқдори ростлагич ёрдамида ростлаб ўзгартирилади. Худди шу ростлагич ёрдамида насоснинг айланишлари сони ҳам ўзгартириб турилади. Юқоридagi ҳолатларнинг ҳар бирида насос агрегатининг айланишлари сони ўзгартириб маълумотлар олинади. Шу билан бирга насос қурилмаси паррақларининг ҳолатларига қараб тебранишлар миқдори ўзгариши аниқланилиб, ҳар бир ҳолатда насос агрегатларида содир бўладиган тебранишлар миқдорини турли хил қисмлардан олинган кўрсаткичлар билан солиштирилди.

Лаборатория стендида олиб борилган тадқиқотлар насос агрегатларида вертикал текислик бўйича содир бўладиган тебранишлар крестовинанинг мувозанат ҳолатига нисбатан эгилишининг ошишига ёки камайишига олиб келишини кўрсатди.

1-жадвал

Айланишлар сонининг ўзгариши бўйича ўрта геометрик тебранишларнинг миқдори, Гц

№	Вибрацияни ўлчаш нуқталари	Тебранишлар миқдори (дБ), ўрта геометрик тизимларда, Гц		
		1400 айл/мин	1800 айл/мин	2200 айл/мин
1	Электродвигатель	91	94	94
2	Редуктор	91	92	93
3	Ишчи паррак ғилофида	91	91	92

2-жадвал

Сувнинг тозалиги бўйича тебранишларнинг ўзгариши, Гц

№	Вибрацияни ўлчаш нуқталари	Тебранишлар миқдори (дБ), ўрта геометрик тизимларда, Гц		
		Тоза	Лойқа 35 г/л	Оқизиклар (майда майда шохчалар)
1	Электродвигатель	91	94	98
2	Редуктор	91	96	103
3	Ишчи паррак ғилофида	91	98	107

3-жадвал

Бир хил режимда янги ва таъмирланган насосларда содир бўлган тебранишларнинг ўзгариши, Гц

№	Насос ҳолати	Тебранишлар миқдори (дБ), ўрта геометрик тизимларда, Гц.		
		1400 айл/мин	1800 айл/мин	2200 айл/мин
1	Янги насос	91	94	94
2	Таъмирланган насос	96	103	112

Насос агрегатларидан фойдаланиш шароитларида содир бўладиган тебранишлар миқдорини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба натижалари, тебранишларни ҳосил қилувчи марказдан қочма кучлар насос валининг айланишлар сонининг квадратига пропорционал равишда боғлиқ бўлишини ва насос ишчи паррақларининг айланишлари сони ортиб бориши билан тебранишлар амплитудаси ошишига олиб келишини кўрсатди.

Ўтказилган экспериментал тадқиқот натижалари кавитацион режим таъсирида ишлаётган насос агрегатларида энг хавфли тебранишлар диапозони 98–102 Гц оралиғига тўғри келишини кўрсатди.

Таклиф этилаётган диагностика қилиш тизимини жорий этиш натижасида:

- насос агрегатларида содир бўлган тебранишлар миқдорини доимий аниқлаш ва тегишли чораларни кўриш;
- ишлаш даврида насос агрегатларидан фойдаланиш технологияларнинг бузилиши натижасида содир бўладиган аварияларнинг олдини олиш;
- тебранишлар миқдорида қараб насос агрегатларининг техник ҳолатининг ўзгариши тўғрисида маълумотларга эга бўлиш;
- насос агрегатлари параметрларининг ўзгаришига қараб ҳозирги ҳолати баҳолаш мумкинлиги.

Ҳозирги кунда давлат дастурлари доирасида ва реконструкция қилинган насос станцияларида ўрнатилган диагностика ва назорат қилиш асбоб-ускуналари насослардаги сув сарфи ва босими, мойлаш қисмларидаги мойнинг ҳарорати, ток кучи ва қувватнинг ўзгаришини доимий диагностика қилиш имкониятини беради. Лекин кўп ҳолларда авария ҳолатига олиб келишига сабаб бўладиган тебранишларни аниқлайдиган вибродиагностика қилиш тизими ўрнатилмаган.

Таклиф этилаётган диагностика қилиш тизими фойдаланилганда қуйидаги натижаларга эришилади:

- насос агрегатларда содир бўлаётган тебранишлар тўғрисида катта миқдордаги ахборотларни олиш ва сақлаш имконияти ҳосил бўлади;
- ҳар бир насос агрегатидан олинаётган маълумотларни параллел равишда қабул қилиш ва таҳлил қилиш имконияти мавжуд бўлади;
- қабул қилинган ахборотларни таҳлил қилиш имкониятини беради.

Диагностика қилиш тизими насос агрегатларининг ҳолатини доимий равишда баҳолаш, уларнинг хавфсиз ва ишончли ишлашини таъминлаш ҳамда таъмирлаш учун бўладиган сарф-харажатларининг камайишини таъминлайди. Бу тизим насос агрегатларида бўладиган ўзгаришларни автоматик равишда аниқлаб мутахассиларга содир бўладиган носозликлар тўғрисида ва эътибор қа-

ратилиши зарур бўлган тегишли вазифаларни бажариш кераклиги тўғрисида маълумотлар базасини беради ҳамда ўзида сақлаб туради. Тавсия қилинаётган насос агрегатларини вибродиагностика қилиш тизими насос агрегатининг барча қисмларининг ҳолатини аниқ баҳолаш ҳамда қисмларнинг яна қанча муддат соз ҳолатда бўлиши тўғрисида маълумотларни бериш билан бирга, насос қисмларига тўсатдан тушадиган кучларни ва режимга таъсир этувчи ҳолатларни аниқлаш ва тегишли вазифаларни бажариш тўғрисида маълумотлар беради. Автоматлаштирилган диагностика қилиш тизими насос агрегатларининг ҳолати тўғрисида доимий маълумотларни бериш билан бирга, ҳар бир содир бўлиши мумкин бўлган авария ҳолатларининг олдини олиш учун хизмат қилади. Шунингдек, бу тизим техник ҳолат тўғрисида маълумотлар банкни шакллантириш учун ҳам хизмат қилиб, бу эса ўз навбатида қисмлар ҳолатининг талаб даражасида

бўлишини таъминлаш билан бирга тўсатдан бўладиган ортиқча кучланишлар таъсирининг олдини олади.

Хулоса. Лаборатория шароитида ўтказилган тажрибалар натижасида олинган маълумотларни таҳлили шуни кўрсатдики, тебранишларга олиб келувчи асосий сабаблардан бири насос агрегатларининг кавитацион режимда ишлаши бўлса, иккинчиси сувнинг таркибида турли хил оқизикларнинг мавжуд бўлишидир. Бу сабаблар доимо бир хил бўлмаганлиги натижасида насос агрегатларида содир бўладиган тебранишлар миқдори доимий ўзгариб туради. Шунинг учун насос агрегатларини доимий диагностика қилиш тизимини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу йўналишда муаллифлар томонидан таклиф этилаётган насос агрегатларини диагностика қилиш тизими, уларда содир бўладиган тебранишлар миқдорини доимий назорат қилишни таъминлаш билан бирга олинган маълумотлар сақлаш ва ишлов бериш имкониятига эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги 3405-сонли қарори.
2. Беглов И., Гловацкий О., Талипов Ш. Анализ систем диагностирования неисправностей насосных агрегатов // Сб. науч. трудов. - Ташкент, 2001. - вып. 5. - 13 с.
3. Барков А.В. Диагностика и прогноз состояния подшипников качения по сигналу вибрации // Сб. науч. трудов. - Тошкент, 2005. - вып. 1. - 234 с.
4. Мажидов Т., Эргашев Р., Бекчанов Ф. Насос агрегатидаги вибрация миқдорини аниқлаш // “Суғорма деҳқончиликда сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг экологик муоммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман материаллар тўплами. - Тошкент, 2017, 24-25 ноябрь.
5. Гловацкий О., Эргашев Р., Бекчанов Ф., Насырова Н. Новые методы диагностирования крупных вертикальных насосных агрегатов // “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалигида сувдан самарали фойдаланиш муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман. - Тошкент, 2015, 1-2 май.

UDC: 556.537.535.6:556.536.048

EFFECT OF BEDLOAD SEDIMENT NATURAL COMPOSITION ON GEOMETRIC AND DYNAMIC CHARACTERISTICS OF CHANNEL FORMS

N.M. Ikramov - Senior lecturer

T.Sh. Majidov - Candidate of technic science

Tashkent institute of irrigation and agricultural mechanization engineers

Abstract

The article brings up data on sediment diversity at watercourse bed and on their movement in the form of ridges. The ridge form movement of sediment leads to the reduction of reservoir volume and canal cross section area, which has an effect on their carrying capacity, filling of pump station forechambers and hydroelectric station pressure basins with sediment. The presence of sediment in flow leads to abrasive deterioration of pumps, water motors and pressure pipes and to other negative consequences. Research work tasks on the study of these effects have been examined with the purpose of preventing such negative consequences. On the basis of laboratory data diagrams and relationships were obtained for ridge length, height and movement velocity vs. sediment hydraulic and geometric sizes.

Key words: ridge shapes, bedload sediment, heterogeneous sediment composition, flow velocity, ridge length, height and movement velocity.

ТАБИЙ ТУБ ЧЎКМАЛАРИ ТАРКИБИНИ ЎЗАН ШАКЛЛАРИНИНГ ГЕОМЕТРИК ВА ДИНАМИК ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИГА ТАЪСИРИ

N.M. Ikramov, T.Sh. Majidov

Аннотация

Мақолада, сув оқадиган ўзанлар тубида ҳар хил таркибдаги лойқалар мавжудлиги ва улар жўяклар шаклида судралиб ҳаракатланиши келтирилган. Жўяклар шаклида ҳаракатланаётган лойқалар сув омборлари ҳажмини ҳамда каналларнинг кўндаланг кесимини кичрайтиради, насос станциялари аванкамералари ҳамда гидроэлектростанцияларнинг босимли бассейнларини лойқага тўлдириб, босимли қувурларда катта тезликда ҳаракатланиши натижасида уларни емиради ва бошқа салбий оқибатларга олиб келади. Уларни ўрганиш натижасида салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун илмий тадқиқот ишларини ўтказиш масалалари кўриб чиқилган. Лаборатория натижалари асосида жўякларнинг узунлиги, баландлиги ва ҳаракатланиш тезлиги билан лойқаларнинг гидравлик ва геометрик ўлчамлари орасидаги боғланишларни кўрсатувчи графиклар ҳамда уларни ифодаловчи формулалар олинган.

Таянч сўзлар: жўякларнинг шакллари, оқим тубидаги лой чўкиндилар, турли таркибдаги лойқалар, оқим тезлиги, жўякларнинг узунлиги, баландлиги ва ҳаракатланиш тезлиги.

ВЛИЯНИЕ СОСТАВА ЕСТЕСТВЕННЫХ ДОННЫХ НАНОСОВ НА ГЕОМЕТРИЧЕСКИЕ И ДИНАМИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ РУСЛОВЫХ ФОРМ

N.M. Ikramov, T.Sh. Majidov

Аннотация

В статье приведены данные о разнородности наносов на дне водотоков и их перемещении в виде гряд. Перемещение грядовых форм наносов приводит к уменьшению объемов водохранилищ, поперечных сечений каналов, заполнению наносами аванкамер насосных станций и напорных бассейнов гидроэлектростанций, что приводит к абразивному износу насосов, гидротурбин и напорных трубопроводов, а также к другим отрицательным последствиям. Рассмотрены задачи научно-исследовательских работ по изучению этих явлений в целях предотвращения их отрицательных последствий. На основе лабораторных данных получены графики и зависимости длины, высоты и скорости перемещения гряды от гидравлических и геометрических величин наносов.

Ключевые слова: грядовые формы, донные наносы, неоднородный состав наносов, скорость потока, длина, высота и скорость перемещения гряды.



Introduction. Periodical structures form on an erodible surface when it interacts with air or water flow. Such periodical structures can be seen on the bottom of all waterways and reservoirs, on snow surface, in hydro and pneumatic transport pipes. Data about wavelike movement of Karakum sands in shape of pocks, ridges and dunes are given in work [1]. Formation of ripples are observed even in the Pacific ocean under the action of deep current [2]. Movement disperse medium under influence of turbulent flow in the form of periodical structures yield a huge loss to the humanity, since it deforms river and man-made waterway channels and carries sand and snow into the sites of national economy and etc. This has made people fight against the negative consequences of this phenomenon since olden times.

For the first time they have started to study sediment movement in China in the 15th century. Channel control works were required for rivers in China (for instance, Huang He), which carry huge amount of sediment.

Later, with the development of navigation, the science about sediment movement has started to develop in Europe. First DuBua and later Dikon have carried out their research in this area. DuBua observed bedload form creation and movement in laboratory conditions, and Baumgarten observed bedload form movement in field conditions for the first time and measured the parameters in Garonne river.

It is impossible to solve the problem, related with formation and realization of bedload periodical structural forms in turbulent flow by analytical methods, since the process depends on many factors. In present, such problems are solved by laboratory research and the accuracy of obtained results are estimated with field observations. Discrepancy in estimated and observed parameters of ridges is mainly related with bedload structure variation in space and time, imperfection of measuring technology and methods. As a result of laboratory and field research until now huge amount of theoretical and empirical formulas have been obtained, which determine the connection of bedload form parameters to flow and sediment characteristics. Range of new tasks have been revealed, and their solution are yet to be obtained.

After Dikon and Engels's experimental research, in 1914 G.Jilbert's and E.Merfy's experimental work came out.

Some of the main works in development of science about sediment movement are V.N.Goncharov's and G.N.Lapshin's works.

B.F.Snishenko, Z.D.Kopaliani, G.V.Jeleznyakov, V.K.Debolskiy, Y.T.Borshevski, D.M.Kondep, R.I.Garde, S.Y.Pavlov, A.A.Stepanov, N.A.Kotlova, D.Saymons, E.Richardson, P.Sanghal, B.Singh, N.Y.Kondratyev and others have also brought in a huge contribution in studying bedload sediment movement.

T.Sh.Majidov have attempted to account sediment composition for qualitative and quantitative estimation of ridge characteristics in his works [3,4]. He conducted experiments with three groups of disperse soils, each of which is one homogeneous and one heterogeneous material with equal mean diameters.

Experimental research allowed Majidov to obtain formulas for ridge parameters with the account of sediment size in the following form:

- for ridge form length:

$$\frac{l_z}{d} = 1,3 \cdot 10^4 \left(\frac{\omega^2}{gd_{50}} \right)^{2,2} \exp \left(-1,58 \frac{\vartheta}{\vartheta_0} \right) \quad (1)$$

where: ω – hydraulic size of particles with diameter d_{50} ;
- for ridge height:

$$h_z = \frac{q_T (gH)^{1,5}}{0,01179^{4,0}} \quad (2)$$

for heterogeneous composition of sediment;

$$h_z = \frac{q_T (gH)^{1,15}}{0,00529^{3,8}} \quad (3)$$

for homogeneous composition of sediment;

- for ridge movement velocity:

$$C_z = 4,0 \cdot 10^{-5} \left(\frac{\omega^2}{gd_{50}} \right)^{3,85} (\vartheta - \vartheta_0)^{2,25} \quad (4)$$

All the above listed works lack consideration of impact of sediment natural composition change on the length, height and velocity of ridge movement, therefore we decided to conduct additional research in this area.

Research methods.

The goal of the research is to estimate the impact of the various types of heterogeneous sediment of constant size on the length, height and velocity of channel ridge form movement.

The following research tasks were set:

1. Improving methods for accounting varieties of heterogeneous soils.

2. Checking the applicability for the coefficient of heterogeneity of mixtures as $\varepsilon = d_m/d_i$, involving the existing data on grain-size distribution of bedload heterogeneous sediment.

3. Set up the following relationship of flow characteristics and ridge parameters with the coefficient of mixture heterogeneity:

$$H, I, \vartheta, \vartheta_0, q_m = f(\varepsilon = d_m/d_i) \quad (5)$$

$$h_r, l_r, C_r = f(\varepsilon = d_{cpd}/d_i) \quad (6)$$

4. Determining the impact of sediment mean size, composition and flow hydraulic characteristics on ridge parameters:

$$h_r, l_r, C_r = f(H, \vartheta, Q, I, \vartheta/\vartheta_0, d_m, d_{max}, d_m/d_i)$$

where: d_m – mean sediment diameter;

d_{max} – maximum sediment diameter;

d_i – particle sizes with corresponding probability ($i=5,10,15,25,35,50,60,65,70,75,85,90,95$);

ϑ and ϑ_0 – mean and eroding flow velocity;

H – mean flow depth;

I – water surface slope;

q_m – bedload sediment discharge;

ε – coefficient of sediment heterogeneity;

h_r, l_r, C_r – height, length and velocity of ridge movement, accordingly.

Since it is difficult to estimate the impact of heterogeneity of various types of natural sediment on the process of bedload ridge formation and movement in field conditions, main experiments were conducted in laboratory conditions (tab.1,fig.1). Experimental research was conducted on hydraulic channel in the laboratory, field observations of ridge movement for various sediment composition were done on canals and rivers of the republic [5].

Results and Discussion.

Ridge length. Ridge length is one of the important ridge form characteristics. Almost in all the theoretical works, related with study of ridge formation mechanisms, ridge form lengths are studied. Since one of the goals of our research was to set the connection of ridge length of various sediment

Table 1

Grain-size distribution of artificially made sediment

No.	Type of sediment	Grain-size distribution in % mass, for particle size in mm									d_m, MM	$\varepsilon = \frac{d_m}{d_{50}}$
		10÷7	7÷5	5÷3	3÷2	2÷1	1÷0,5	0,5÷0,25	0,25÷0,1	<0,1		
1	Edge fractioned	-	-	56,75	2,25	2,75	4,5	14,9	14,25	4,6	2,49	0,83
2	Small fractioned	9,5	8,5	8,75	13,75	22,25	14,75	8,75	9,25	4,5	2,51	2,24
3	Large fractioned	-	-	36,5	27	18	11,5	5,07	1,31	0,62	2,53	1,24
4	Evenly fractioned	11,1	10,1	10,1	11,1	11,1	11,1	11,1	12,1	12,2	2,51	2,8
5	Mean fractioned	-	14,4	14,8	15,3	32,7	18,6	2,2	1,25	0,75	2,48	1,88
6	Homogeneous	-	-	-	100	-	-	-	-	-	2,50	1,0




Fig.1. Grain-size distribution of experimented mixtures

composition with constant mean particle size and relative flow velocity, from the obtained experimental data we created graphical relationships of $l_r/d = f(\vartheta/\vartheta_0)$ (fig.2).




Fig.2. Plot of ridge length and sediment composition to the relative flow velocity

The following design formula was obtained on the basis of analytic and graphical relationship with accuracy of 0,8÷0,95:

$$\frac{l_r}{d} = - (49,9\varepsilon^2 - 127,4\varepsilon + 594) \times \left(\frac{\vartheta}{\vartheta_0} \right) + 262,9\varepsilon^2 - 682,4\varepsilon + 1824 \quad (7)$$

Ridge height. Determining ridge height in channel flow is necessary for estimating bed roughness in determining channel hydraulic resistance, bedload sediment discharge and channel deformation calculations, also for setting threshold height in water intake structures, installation depth for pump station exhaust pipes and etc.

In order to set the connection of ridge height of various sediment composition with constant mean particle size and relative flow velocity, from the obtained experimental data we created graphical relationships of $h_r/d = f(\vartheta/\vartheta_0)$ - (fig.3).

$$\frac{h_r}{d} = -4,38 \cdot e^{0,23\varepsilon} \left(\frac{\vartheta}{\vartheta_0} \right)^2 - (0,2\varepsilon^2 - 35,8\varepsilon - 12,7) \left(\frac{\vartheta}{\vartheta_0} - 1,1 \right) \quad (8)$$

Ridge movement velocity.

Ridge dynamic parameters, i.e. movement velocity is particularly important in designing channel deformation and bedload sediment discharge. Researchers have been studying these characteristics for almost two centuries. In order to set the connection of ridge movement velocity of various sediment composition with constant mean particle size and mean/scouring flow velocity, from the obtained experimental data we created graphical relationships of $C_r = f(\vartheta - \vartheta_0)$ (fig.4).

The following design formula was obtained on the basis of the analysis of the graphical relationship with accuracy of 0,75÷0,9:




Fig. 3. Plot of ridge height and sediment composition to the relative flow velocity

$$C_s = (0,0026\varepsilon^2 - 0,0066\varepsilon + 0,033)(\vartheta - \vartheta_0) - 0,11\varepsilon^2 - 0,6 \quad (9)$$

The relationships (7, 8, 9) obtained from experimental data give more precise determination for ridge length, height and movement velocity change depending on sediment composition heterogeneity of waterways in valley and piedmont regions.

Conclusions:

1. Bedload sediment movement in waterways take place in form of ridges.
2. Geometric and dynamic bed-load ridge characteristics depend on bedload sediment composition.
3. Relationships of heterogeneous bedload sediment ridge length, height, and moving velocity vs. flow relative velocity were obtained.




Fig. 4. Plot of ridge movement velocity and sediment composition to the scouring flow velocity

4. The obtained relationships show that sediment heterogeneity and flow relative velocity change has a direct effect on the bedload ridge form length, height and its moving velocity.

5. The increase of the relative flow velocity result in the decrease of ridge length.

6. The increase of the relative flow velocity up to 2,2÷2,4 result in the increase of ridge height at first, then in its decrease.

7. The increase of the difference between mean and scouring flow velocities result in the increase of ridge movement velocity from even to mean fracture composition.

8. The obtained relationships are applicable for waterways in valley and piedmont regions with more accuracy.

References:

1. Арнагельдиев А., Костюковский В.И. Пустыня Каракумы. Природа и человек. - М.: Наука, 1985. - 164 с.
2. Лонгинов В.В. Что такое литодинамика // Ж: Земля и вселенная, 1980. - №6. - с. 36-41.
3. Мажидов Т.Ш. Расчетные гидравлические характеристики потоков и параметров песчано-гравийных гряд с учетом состава наносов. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата технических наук. - Л., 1984. -16 с.
4. Snishenko B.F., Mukhamedov A.M., Majidov T.SH. Bedlam composition effect on dune shape parameters and on flow characteristics. International Association for Hydraulic Research. XXIII Congress, Ottawa, 1989. - pp.105-112.
5. Н.М.Икрамов. Грядовое движение наносов в размываемых руслах // Ж. "Ирригация ва мелиорация". - Ташкент, 2017. - №2(8). - с. 44-46.

УЎТ: 628.83

АВАНКАМЕРА ВА СУВ ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЛИНМАЛАРИНИНГ ГИДРАВЛИК ҚАРШИЛИКЛАРИ

*М. Мамажонов – т.ф.д., профессор, Б.М. Шакиров – т.ф.н., доцент
Андижон қишлоқ хўжалик институти
Б.Б. Шакиров – ассистент
Андижон машинасозлик институти*

Аннотация

Мақолада насос агрегатларининг сони турлича бўлган ҳолларда ишлашида насос станциянинг аванкамерасига ва сув қабул қилиш бўлинмаларига киришдаги оқим шароитлари кўриб чиқилган. Сув олиш иншоотининг андоза қурилмасида босим исрофи ва гидравлик қаршилик коэффициентларини лаборатория тадқиқотларида олинган натижалари ва уларнинг мақбул ишлаш шароитларини аниқлаш масалалари келтирилган.

Таянч сўзлар: насос агрегати, насос станцияси, чўкинди, уярма, сўриш қузури, маҳаллий қаршиликлар, босим исрофи, қаршилик коэффициенти, аванкамера, сув қабул қилиш бўлинмаси, оқим, тезлик, кинетик энергия.

ГИДРАВЛИЧЕСКИЕ СОПРОТИВЛЕНИЯ АВАНКАМЕРЫ И ВОДОПРИЁМНЫХ КАМЕР

М. Мамажонов, Б.М. Шакиров, Б.Б. Шакиров

Аннотация

В статье рассмотрены вопросы течения потока в аванкамере и условия его входа в водоприёмные камеры при различных числовых сочетаниях работы насосных агрегатов. Приводятся результаты лабораторных исследований на модели водоприёмного сооружения насосной станции по определению потерь напора и гидравлических коэффициентов сопротивлений и их оптимальные условия работы.

Ключевые слова: насосный агрегат, насосная станция, наносы, воронка, всасывающий трубопровод, местные сопротивления, потери напора, коэффициент сопротивлений, аванкамера, водоприёмная камера, поток, скорость, кинетическая энергия.

HYDRAULIC RESISTANCES OF ANTECHAMBER AND WATER RECEIVING CHAMBERS

М. Mamajonov, B.M. Shakirov, B.B. Shakirov

Abstract

In this article it is considered and discussed current flow forebays and the conditions for its entry into the water inlet chamber at different numerical combinations of pumping units. The results of laboratory tests on model water inlet pumping station installations to determine the pressure loss coefficients and hydraulic resistances and optimum operating conditions.

Key words: the pump set, the pump station, sediment, funnel, suction pipe, local resistance, pressure loss, resistance coefficient forebays, water inlet chamber, flow, speed, piezometer, the kinetic energy of the channel.

Кириш. Насос станцияларидан фойдаланиш амалиёти шуни кўрсатадики, суғориш суви таркибидаги майда кум ва лойқа заррачаларни сув олиш иншоотларида чўкиб қолиши оқибатида насосларнинг сув сўриш қобилияти камаяди.

Насосларнинг сув қабул қилиш бўлинмалари ва аванкамерасида лойқа чўкиши ҳисобига гидравлик қаршиликларни ортиши ва насос агрегатларининг ҳаво сўриши оқибатида сув узатишини камайиши ва электр энергия сарфи ҳамда тебраниш ҳисобига насосларнинг таъмирлаш ва иншоотларни лойқадан тозалаш учун ортиқча сарфланган маблағ сувининг таннархи бир неча баробар ортишига сабаб бўлади.

Насос станцияни аванкамераси сув келтириш каналини сув қабул қилиш бўлинмалари ϵ_k билан боғлаб туради ва сув олиш фронти $B_{фр}$ бўйича оқимни тақсимлашга хизмат қилади.

Аванкамерани ўлчамлари $B_{фр}/\epsilon_k$ ва аванкамера узунлиги $L_{аб}$ сув олиш бўлинмаларини озиқлантириш шартла-

рини аниқловчи ўлчамлар ҳисобланади.

Асосий қисм. Сув қабул қилиш бўлинмаси эини аванкамерани гидравлик иш тартибига таъсирини билиш учун сув олиш иншоотини 1 ва 2-вариантларида лаборатория қурилмасида экспериментал тадқиқотлар олиб борилди. Бу вариантларда аванкамералар конструктив жиҳатдан бир хил тузилишда тайёрланди: марказий кенгайиш конусининг бурчаги $\alpha = 35^\circ$, тубининг нишаблиги $i = 0,2$, сўриш қузурининг кириш қисми конусининг сув сатҳига ботирилиш чуқурлиги h_2 бир хил ва у бўлинманин орақа деворига горизонтал ҳолда ўрнатилган.

Аванкамералар сув қабул қилиш бўлинмаси эини ўлчами билан фарқ қилади, яъни 1-вариантда $\epsilon_{бўл} = 2D_{куп}$ ва 2-вариант $\epsilon_{бўл} = 1,2D_{куп}$ га тенг. Шунинг учун биринчи ҳолда сув олиш фронти узунлиги $B_{фр} = 91$ см, иккинчисида $B_{фр} = 61$ см ва мос равишда аванкамера узунлиги $L_{аб} = 81$ см ва $L_{аб} = 33$ см. га тенг.

Биринчи ва иккинчи вариантдаги аванкамераларда сув қабул қилиш бўлинмаларининг ишлаш шароитлари

турлича бўлади. Ўртадаги насосларнинг бўлинмалари чеккадаги нисбатан бирмунча яхши ҳолатда бўлади, яъни ўртадаги бўлинмага оқим тўғри қиради, чекка бўлинмага бурчак остида қиради. Ўрта бўлинмаларга бироз бурчак остида оқимнинг келиши уларнинг иш жараёнига сезиларли таъсир ўтказмайди. Сув олиш фронти $V_{фр}$ ортиши билан чеккадаги бўлинмага оқимнинг келиш бурчаги ҳам ортиб боради.

Биринчи вариантда чекка бўлинмадаги ҳосил бўлувчи уярма вертикал ўқ бўйича айланиб, сув қабул қилиш бўлинмаси жонли кесим юзасининг 40% қисмини эгаллайди, унинг узунлиги эса бўлинма узунлигини $\frac{3}{4}$ қисмини ташкил этади. Иккинчи вариантдаги аванкамера конструкциясида уюрмани ўлчамаи анча кичик, яъни бўлинма кесим юзасининг 15% майдонини, бўлинма узунлигининг эса $\frac{1}{4}$ қисмини эгаллайди.

Босим исрофларини аниқлаш 1 ва 2-вариантларда сув қабул қилиш бўлинмасининг кириш қисмида олиб борилди. 1-ўлчов кесими сув келтириш каналининг охирига жойлаштирилди. Бу кесимда оқимни тарқалиш тезлиги тенг тақсимланган ва босимни тақсимланиши гидростатик қонуниятга бўйсунди. 2-ўлчов кесими сув қабул қилиш бўлинмасини бошланғич нуқтасидан 10 см ичкарига жойлаштирилди.

Тенглаштириш текислигини сув қабул қилиш бўлинмалари тубида қабул қилиб, белгиланган ўлчов кесимлари учун Бернулли тенгламасини ёзамиз:

$$Z + \frac{P_k}{\gamma} + \frac{\alpha_k V_k^2}{2g} = \frac{P_0}{\gamma} + \frac{\alpha_0 V_0^2}{2g} + \Sigma h_w \quad (1)$$

бу ерда: P_k ва P_0 – каналдаги ва бўлинмадаги босимлар; V_k ва V_0 – ўлчов кесимлардаги оқимнинг ўртача тезликлари; α_k ва α_0 – ўлчов кесимлардаги кинетик энергия коэффициентлари; Σh_w – кесимлар орасидаги босим исрофлари.

Пьезометрлар бўйича босимлар фарқи:

$$\Delta Z = Z + \frac{P_k - P_0}{\gamma} \quad (2)$$

Демак, кесимлар ўртасидаги босим исрофлари:

$$\Sigma h_w = \Delta Z + \frac{\alpha_k V_k^2 - \alpha_0 V_0^2}{2g} \quad (3)$$

5 та насосларни сув узатишлари $Q_1=19$ л/с ва $Q_2=24$ л/с ва ҳар бир насосни сув узатиши $Q_2=4,5$ л/с ва $Q_2=5,6$ л/с га (бўлинмадаги) тенг бўлган ҳол учун 1 ва 2-кесимлардаги ўртача тезликлар аниқланади. Насосларнинг сув узатиш миқдорлари босимли қувурдан чиқиш жойига ўрнатилган учбурчакли сув шовва девори ёрдамида аниқланади.

Ҳисобларда кинетик энергия коэффициентлари α_k ва α_0 қийматлари Н.Н.Накладов томонидан олинган маълумотлар асосида қабул қилинди, яъни насос станциянинг ҳар қандай иш тартибларида 1-кесимда $\alpha_k=1,05-1,06$ га тенг бўлади [1]. 2-кесимда куйидаги ҳолат кузатилади: биргаликда ишлаётган насослар сони ортиши билан 1-вариантдаги аванкамера конструкцияси учун коэффициент $\alpha_0=1,18-1,39$ ва 2-вариантдаги аванкамера учун $\alpha_0=1,06-1,15$ чегаралардаги қийматларга эга бўлади. Буни насос станциянинг турли иш тартибларида каналнинг ҳисобий чуқурлиги турлича қабул қилиниши билан тушунтириш мумкин.

Босим ўлчаш 1-кесимда 3 та тешикча ва 2-кесимда ҳар бир бўлинмада 3 та тешикчалар орқали амалга оширилди. Тешикчалар ўлчамаи 1 мм бўлиб, 1 таси тубига ва 2 таси ён деворларга жойлашган. Штуцерларга уланган резина шланглар ёрдамида сув пьезометрларга узатилади.

Насос станция моделининг турли иш тартибларида аванкамера ва сув қабул қилиш бўлинмаларидаги босим исрофлари ва қаршилик коэффициентларини аниқлади.

Ҳар бир насосни сув узатиши 4,5 л/с дан 5,6 л/с гача ўзгартирилди. Мос равишда станцияни сув узатиши куйидаги ҳолатда бўлди: 5 та насос ишлаганда $Q_{н.с.}=22,5-28$ л/с; 4 та насос ишлаганда $Q_{н.с.}=18-22,4$ л/с; 3 та насос ишлаганда $Q_{н.с.}=13,5-16,8$ л/с; 2 та насос ишлаганда $Q_{н.с.}=9-11,2$ л/с; 1 та насос ишлаганда $Q_{н.с.}=4,5-5,6$ л/с;

Насосларнинг бундай сув узатиш чегараларида Рейнольдс сони Re сув келтириш канали кесимида 10^4 дан $3 \cdot 10^4$ гача ўзгаради. Ушбу оқимни автомодел области чегарасида олиб борилган тажрибаларда қаршилик коэффициентини ўзгармас ва Re га боғлиқ бўлмайди.

Ҳар бир қаршилик коэффициентини ҳисоблашда ўртача квадрат хатолик куйидаги формула билан аниқланади [2]:

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum (\xi_{\text{ўр}} - \xi_i)^2}{n-1}} \quad (4)$$

бу ерда: $\xi_{\text{ўр}}$ – қаршилик коэффициентининг ўртача арифметик қиймати; ξ_i – ҳар бир тажрибада аниқланган қаршилик коэффициенти қиймати.

Қаршилик коэффициентининг ўртача арифметик қийматини ўртача квадрат хатолиги куйидаги формула билан топилади:

$$\sigma_m = \frac{\sigma}{\sqrt{n}} \quad (5)$$

бу ерда n – ўлчашлар сони.

Аниқланган σ_m қиймати бўйича ўртача квадрат хатоликнинг нисбий қиймати аниқланади:

$$\sigma_m^1 = \frac{\sigma_m}{S_{\text{ўр}}} \cdot 100\% \quad (6)$$

Ўртача квадрат хатоликнинг нисбий қиймати σ_m^1 тажрибаларимизда 5,1–8,2 фоизни ташкил этди.

Бешта насослар ишлаганда, аванкамера ва бўлинмалар қаршилик коэффициентларини ўз ичига олувчи йиғинди умумий коэффициент чекка бўлинма учун $\Sigma \xi_{\text{ўр,ч}} = 1,01$ ва ўртадаги учун $\Sigma \xi_{\text{ўр,ўр}} = 0,062$ га тенг, уларнинг нисбати 16,3 га тенг бўлади, умумий қаршилик коэффициенти эса $\Sigma \xi_{\text{ўр}} = 0,536$ ни ташкил этади. Ушбу 1-вариант бўйича 2(1+2) насослар ишлаганда, чеккадаги бўлинма учун $\Sigma \xi_{\text{ўр,ч}} = 0,94$, ўртадаги учун $\Sigma \xi_{\text{ўр,ўр}} = 0,24$, уларнинг нисбати 3,92 ва умумий қиймати $\Sigma \xi_{\text{ўр}} = 0,59$ га тенг бўлди.

Битта чеккадаги насос ишлаган ҳолда $\Sigma \xi_{\text{ўр,ч}} = 0,97$ ва битта ўртадаги насос ишлаганда $\Sigma \xi_{\text{ўр,ўр}} = 0,49$ ни ташкил этади. 2-вариантда 5 та насослар ишлаган ҳолда чеккадаги учун $\Sigma \xi_{\text{ўр,ч}} = 0,7$, ўртадаги бўлинма учун $\Sigma \xi_{\text{ўр,ўр}} = 0,158$ уларнинг нисбати 4,44 ва умумий қиймати $\Sigma \xi_{\text{ўр}} = 0,429$ га тенг бўлди.

1-вариант билан солиштирилса, 2-вариантда $\Sigma \xi_{\text{ўр,ч}}$ камаяди, $\Sigma \xi_{\text{ўр,ўр}}$ ортади, умумий қаршилик коэффициенти $\Sigma \xi_{\text{ўр}}$ эса 0,107 га, яъни 20 фоизга камаяди. Бундан ташқари ўрта ва чеккадаги бўлинмаларни қаршилик коэффициентларини фарқи анча камайд.

Иккита 2 (1+2) насослар ишлаганда, $\Sigma \xi_{\text{ўр,ч}} = 0,701$ ва $\Sigma \xi_{\text{ўр,ўр}} = 0,39$, уларнинг нисбати 1,8 ва $\Sigma \xi_{\text{ўр}} = 0,545$ га тенг бўлади. 1-вариант билан солиштирилса $\Sigma \xi_{\text{ўр,ч}}$ камаяди ва $\Sigma \xi_{\text{ўр,ўр}}$ қиймати ортади ҳамда умумий қаршилик коэффициенти 0,045 га, яъни 7,6 фоизга камаяди. Бундан ташқари ўрта ва чеккадаги бўлинмалар қаршиликлари фарқи камаяди.

Иккинчи вариантда битта чеккадаги насос ишлаганда умумий қаршилик коэффициенти 0,85 га тенг бўлиб, 1-вариантдагига нисбатан 0,12 га, яъни 12,3 фоизга кам бўлди. Битта ўртарақдаги 2 агрегат ишлаган ҳолда эса умумий қаршилик коэффициенти 0,6 га тенг бўлиб, бу 1-вариантдагига нисбатан 0,11 га ортиқроқдир.


Демак, станциянинг барча иш тартибларида сув қабул қилиш бўлинмаларини эни камайган ҳолда аванкамера ва бўлинмаларнинг гидравлик қаршиликлари қийматлари

камайиши кузатилади.

Гидравлик қаршиликларни формулалар билан ҳисоблаб топилган қийматлари аванкамера ва бўлинмалардаги тажрибадан олинган натижалари билан таққослаш имкониятини беради.

Биринчи вариантдаги аванкамера учун умумий гидравлик қаршиликлар йиғиндисини ҳисобий қиймати $\Sigma \xi_{\text{ум}} = 0,514$ га тенг бўлиб, тажриба қиймати 0,536 дан 4,1% фарқ қилади; 2-вариант учун ҳисобий қиймати $\Sigma \xi_{\text{ум}} = 0,404$ ва тажриба қиймати 0,429 дан 5,83% фарқ қилади (1-расм).

Сув қабул қилиш бўлинмаларига сувни кириши насос станциянинг барча иш тартибларида тўғри киришдан фарқ қилади. Насосларни биргаликдаги иш жараёнида чеккадаги бўлинмаларга оқимни қийшиқ кириши ўрта бўлинмага нисбатан ортиқроқ бўлади, бу эса чекка бўлинмаларда босим исрофларини ортишига сабаб бўлади. 2-расмда эса 1 чеккадаги насос ишлаган ҳолатда ҳар иккала вариантдаги бўлинмага кирувчи оқим йўналиши-




1 ва 2 – биринчи ва иккинчи вариантлар бўйича чеккадаги бўлинма учун. 3 ва 4 – биринчи ва иккинчи вариантлар бўйича ўртадаги бўлинма учун.

1-расм. Бешта насос ишлаганда сув қабул қилиш бўлинмаларига оқимни кириш йўналишини ўзгариши

ларини чуқурлик бўйича ўзгариш графиги келтирилган. Оқимнинг йўналишини аниқлашда бўлинмани эни бўйича ўртасига жойлаштирилган вертикал ўққа боғланган 10 см. ли иплардан фойдаланилди.

Юқоридаги расмлардан кўрииб турибдики, биринчидан, бўлинмага кираётган оқимнинг барча қисми бир хил йўналишга эга бўлмайди, чуқурлик қатлами бўйича ўртадаги оқим озроқ бурилади. Иккинчидан, биргаликда ишлаган насослар сони камайтирилса, оқимнинг бўлинмага келиш шароити яхшиланади. Биринчи вариант бўйича 5 та насос ишлаганда, ўрта қатламдаги оқимнинг чеккадаги бўлинмага кириш бурчаги $\Theta=56^\circ$ ни ташкил этади, битта 1 насос ишлаганда эса $\Theta=30^\circ$ гача камаяди. 2-вариант бўйича 5 та насос ишлаганда чеккадаги бўлинмага киришда



1-вариант бўйича; 2-иккинчи вариант бўйича.

2-расм. Битта (1) насос ишлаганда сув қабул қилиш бўлинмасига оқимни кириш йўналишини ўзгариши

$\Theta=28^\circ$, 1 насос ишлаганда эса $\Theta=13-15^\circ$ га тенг. Учинчидан 2-вариант бўйича оқимни бўлинмага кириш шarti яхшиланиши сабабли гидравлик қаршиликлари камаяди ва чеккадаги насоснинг сув узатиши 1-вариантга нисбатан 8-8,5% ортади.

Оқимнинг бурилишидаги қаршиликлар чекка бўлинмаларни ўрта бўлинмалар билан солиштирилганда анча миқдорда кўпроқ бўлади. Оқимнинг бурилишидаги қаршилик коэффиценти 5 та насос ишлаган ҳолда, 1-вариант бўйича чекка бўлинма учун 0,421, ўрта бўлинма учун 0,028, ўртача қиймати 0,225 га тенг, яъни $\Sigma \xi_{\text{ум}}$ дан 43,8 фоизни ташкил этади; 2-вариант бўйича гидравлик қаршилик коэффиценти чекка бўлинма учун 0,147, ўрта бўлинма учун 0,033 ва ўртача қиймати 0,09 га тенг, яъни $\Sigma \xi_{\text{ум}}$ га нисбатан 22,3 фоизни ташкил этади. Шундай қилиб, оқимнинг бўлинмаларга киришдаги босим исрофлари 1-вариантда умумий исрофларининг анчагина қисмини, яъни 44 фоизни, 2-вариантда эса 22 фоизни ташкил этади.

Бўлинманинг эни $2D_{\text{кур}}$ дан $1,2D_{\text{кур}}$ гача қисқартирилганда босим исрофлари икки баробар камаяди.

Хулоса:

1. Оқимнинг аванкамерада оқиб ўтиши ва сув қабул қилиш бўлинмаларига кириш шароитлари турличалиги сабабли ҳамма насослар бараварига ишлаганда чекка ва ўртадаги бўлинмаларни гидравлик қаршиликларида катта фарқ бўлиши кузатилади;

2. Ишлаётган агрегатлар сони камайтирилса, юқорида айтилган қаршиликлар фарқи камаяди;

3. Сув қабул қилиш бўлинмани эни $v_{\text{бўл}} = 2D_{\text{кур}}$ дан $v_{\text{бўл}} = 1,2D_{\text{кур}}$ га тенг қийматгача қисқартирилганда, чеккадаги бўлинманинг гидравлик қаршилиги 1,5 мартага камаяди, бу эса ўрта ва чеккадаги бўлинмаларни иш шароитини бир-бирига яқинлаштиради;

4. Бўлинмани эни $v_{\text{бўл}}$ қисқартирилса, аванкамера ва сув қабул қилиш бўлинмаларнинг йиғинди қаршилик коэффиценти камаяди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Накладов Н.Н. Камерный водозабор мелиоративных насосных станций на каналах. Автореф. дис. ... канд. техн. наук. – М.: МГМИ. 1972. - 24 с.
2. Гутер Р.С., Овчинский В.Б. Элементы численного анализа и математической обработки результатов опыта. - М.: Изв. «Наука», 1970. - 158 с.

УЎТ: 631.333.8:634.1

СУЮҚ ОРГАНИК ЎҒИТНИ ТЎКИЛИШ ДАВОМИЙЛИГИНИ АГРЕГАТ ҲАРАКАТ ТЕЗЛИГИГА МОСЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Б.М. Худаяров - т.ф.д., доцент

У.Т. Кузиев - доцент

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация

Интенсив боғлар ҳосилдорлиги ва тупроғининг унумдорлиги суюқ органик ва минерал ўғитларни тупроққа локал бе-риш орқали оширилади. Қатордаги ҳар бир дарахт илдиз тизими ёнига эгат очиб белгиланган миқдордаги суюқ органик ўғитларни қуйиш суюқликнинг техник гидродинамик қонуниятлари асосида амалга оширилади. Келтирилган ҳисоблаш натижалари асосида ҳар бир дарахт илдиз тизимига 10÷11 л суюқ органик ўғитни агрегат ҳаракат тезлигига мослаб қуйишни таъминлади, ушбу режимни сақлаган ҳолда ишчи қисм ва ундаги сифимнинг ўлчамлари асосланди. Шунингдек, суюқ органик ўғитнинг тўкилиш давомийлигини тирқиш юзаси, оқиб чиқиш тезлиги ҳамда агрегат тезлигига боғлиқ ра-вишда ўзгариш графиклари келтирилган.

Таянч сўзлар: сифим, агрегат, тирқиш, ўғит, босим, юза, тўкилиш, илдиз, тизим, кўрсаткич, тезлик.

ОБЕСПЕЧЕНИЕ СООТВЕТСТВИЯ ПРОДОЛЖИТЕЛЬНОСТИ СЛИВА ЖИДКИХ ОРГАНИЧЕСКИХ УДОБРЕНИЙ НА СКОРОСТЬ ДВИЖЕНИЯ АГРЕГАТА

Б.М. Худаяров, У.Т. Кузиев

Аннотация

Выводы. Возможность перевода универсально-пропашного трактора с регулируемым клиренсом в высококлиренсное положение способствует повышению его проходимости, а в низкоклинренсное положение – его устойчивости и безопасности. Кроме того распределение массы универсально-пропашного трактора с регулируемым клиренсом на четыре колеса вместо трех снижает отрицательное воздействие ходовых элементов на почву по сравнению с трехколесным трактором.

Возможность изменения базы универсально-пропашного трактора одной стороны приводит к уменьшению ширины поворотной полосы, следовательно, вытопанной ходовой системой трактора без обработки площади, а с другой к устойчивости движения по неровной местности.

Основное назначение трактора при минимальной базе

– механизация полевых работ по посеву, возделыванию и уборке урожая сельскохозяйственных культур при его агрегатировании с навесными, полуприцепными или прицепными сельскохозяйственными машинами и орудиями. При укороченной базе радиус поворота, следовательно, размеры поворотных полос будут минимальными, что имеет немаловажное значение на мелко контурных участках, преобладающих в густонаселенных районах, а также в горной и предгорной местности.

При удлиненной базе трактор используется на транспортных, погрузочно-разгрузочных и других видах работ, где требуется устойчивость трактора, так как удлиненная база дает ему стабильность и устойчивость при движении по неровной местности (например, в горной и предгорной местности).

Таким образом, внесенные в конструкцию тракторов, разработанных в СКБ «Трактор» новые технические решения позволяют им работать в различных сферах сельского хозяйства республики в широком диапазоне.

Список использованной литературы:

1. Ахметов А.А. Передние мосты универсально-пропашного трактора хлопкового назначения. - Ташкент: "Фан", 2014. - 176 с.
2. Akhmetov A.A., Ahmedov Sh. Experimental sample of power means for cultivation of the cotton on six-row system // Proceedings of the III Tashkent International innovation forum. TIIF - 2017. From Innovative Ideas to Innovative Economy. - Tashkent, 2017. - P. 259–263.
3. Ахметов А.А., Усманов И.И., Фармонов Э., Асамов С.А. Универсально-пропашной трактор с изменяемой базой // EUROPEAN RESEARCH: сборник статей X Международной научно-практической конференции. В 3 ч. - Ч 3. - Пенза: МЦНС "Наука и Просвещение", 2017. – С. 104–107
4. Анилович В.Я., Водолажченко Ю.Т. Конструирование и расчет сельскохозяйственных тракторов. – М.: Машиностроение, 1976. - 456 с.
5. Мирошниченко А.Н. Основы теории автомобиля и трактора. - Томск: ТГАСУ, 2014. - 489 с.
6. Чудаков Д.А. Основы теории и расчета трактора и автомобиля. - М.: Колос, 1972. - 384 с.

УЎТ: 664.72:621.365.5

ДОННИ ҚАЙТА ИШЛАШДА ҚУРИТИШ ҚУРИЛМАСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Б.Р. Бекқулов - илмий ходим, изланувчи
Андижон машинасозлик институти

Аннотация

Мазкур мақолада қишлоқ хўжалиги дон маҳсулотларини қуритишдаги радиацион ва конвектив усуллари ҳамда донни қайта ишлаш жараёнида уларнинг ўрни ҳақида фикр юритилган. Қайта ишлаш натижасида олинган сифатли маҳсулот миқдорининг донни эластиклик модулига боғлиқлиги келтирилган. Иккита усулда қуритилган “Аланга” навли шולי массаси учун қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулот миқдорлари аниқланган ва график кўринишида баён қилинган. Донни конвектив усулда қуритилган қурилмада олинган ижобий натижалар кўрсатиб ўтилган. Қурилмада қуритилган дон массасининг ғовақчилиги, сочилувчанлиги, ишқаланиш бурчаги, иссиқлик сиғими, иссиқлик ўтказувчанлигининг яхшиланиши донни қайта ишлашда сифатли маҳсулот чиқишининг ортисига олиб келиши асосланган.

Таянч сўзлар: қуритиш қурилмаси, радиацион ва конвектив қуритиш усуллари, иссиқлик ўтказувчанлик, иссиқлик сиғими, шולי, оқшоқ, эластиклик модули.

О ЗНАЧЕНИИ СУШИЛЬНОГО УСТРОЙСТВА В ПЕРЕРАБОТКЕ ЗЕРНА

Б.Р. Бекқулов

Аннотация

В данной статье приведены исследования двух видов способов сушки зерновых культур, а также их роли в процессе дальнейшей переработки. Приведена зависимость качества продукта полученного переработкой зерна от его модуля упругости. Определено количество продукта полученного переработкой зерновой массы риса сорта “Аланга” при сушке двумя различными способами, они приведены в виде графических зависимостей. Отмечены лучшие результаты сушки зерна в устройстве основанном на конвективном способе сушки. Обосновано, что улучшение скважистости, сыпучести, угла откоса, теплоёмкости, теплопроводности зерновой массы, высушенной в устройстве, приводит к повышению выхода качественных продуктов при переработке зерновой массы.

Ключевые слова: устройство для сушки зерна, радиационные и конвективные способы сушки, теплопроводность, теплоёмкость, рис, сечка, модуль упругости.

ABOUT VALUE DRYING OF THE DEVICE IN PROCESSING OF GRAINS

B.R. Bekkulov

Abstract

In this article given two aspects of modes of drying of grain crops, and also their role probes are conducted in process in the further processing. Dependence of quality of a product of the grain received by processing, on its coefficient of elasticity is reduced. The amount of a product received by processing of grain mass of rice of a grade of "Alanga" at drying by two various modes is defined and are reduced in the form of graphic dependences. The best results of drying of a grain in the device grounded on a convective mode of drying are marked. It is justified that improvement of porosity, flow ability, an edge of a slope, a thermal capacity, heat conduction of the grain mass exsiccated in the device, leads to heightening of an exit of qualitative products at processing of grain mass.

Key words: the device for grain drying, radiating and convective ways of drying, a heater, heat conductivity, thermal capacity, rice, coefficient of elasticity.

Кириш. Замонавий техника ва технологияларни жорий этиш ҳисобига қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини ошириш, илмий-техник вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган амалий ва инновацион илмий изланишлар ва ишланмаларни олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг вазифаси этиб белгиланган [1]. Республикамизда ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дон маҳсулотлари маълум вақт мобайнида, моддий ҳаражатлар ва катта жисмоний ҳаракатлар натижасида ҳосил қилинади. Донли экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Бу йўна-


лишда селекция ишлари яхшиланмоқда, турли агротехник тадбирлар ўтказилмоқда ва ижобий натижаларга эришилмоқда. Бироқ, етиштирилган дон маҳсулотларини қуритишда ва қайта ишлаш жараёнидаги йўл қўйилиши мумкин бўлган айрим камчиликлар бартараф қилинса – бу гўёки дон ҳосилдорлигини ошириш билан эквивалент бўлган бўлар эди. Бундай камчиликлар айрим турдаги донларни қуритишда кўзга ташланади. Маълумки, шולי етиштиришда синмаган, бутун гуруч ҳосил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу етиштирилган доннинг сотиш нархида сезиларли акс этади, чунки истеъмолчи томонидан гуруч қимматроқ, оқшоқ (гуручнинг синиғи) арзонроқ баҳоланади. Бундай нархларнинг таққосланиши ловия,

мош, нўхат каби бошқа донлар учун ҳам ўринли бўлади. Маълумки, шולי механик усулда қайта ишланиб, гуруч ҳосил қилинади. Мана шу механик ишлов бериш жараёнида дон массасининг қуриганлик даражасининг ҳажм бўйича бир хиллиги муҳим аҳамият касб этади. Механик ишлов бериш жараёнида мақбул намлик таъминланмаслиги оқибатида шолидан маҳсулот сифатида олинadиган синмаган гуруч миқдори пасайиб боради. Юқоридагиларни инобатга олиб, ушбу мақолада донни қайта ишлашда олинadиган маҳсулот миқдорининг ортишига омил сифатида таъсир этувчи қуритиш усулларидаги камчиликлар ва афзалликларни ўрганиш мақсад қилиб қўйилди.

Ҳозирги пайтда дон маҳсулотларини қуритишнинг бир неча усуллари мавжуд бўлиб, ҳар бир усул ўз технологиясига эга ва дон массасига иссиқликни беришга қараб бир-бирдан фарқланади. Қуйида доннинг қуритишни радиацион ва конвектив усуллари тўғрисида тўхталиб ўтамыз.


Шолини қуритишда радиацион усул мамлакатимиз иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда кенг қўлланилади. Бу усулда қуёш нури ва шамол таъсирида табиий шароитда маълум майдонга ёйиб чиқилган дон маҳсулотларидаги намлик буғлантирилади ва буғ атмосферага чиқарилади. Ёйиб чиқилган доннинг қалинлиги қанча кичкина бўлса, доннинг қуриши шунча интенсивроқ амалга ошади. Донни қуритиш ишларида асфальтланган майдонлардан фойдаланилади. Бироқ, бу усулда қуритишда дон массасининг ҳажм бўйича бир хил қуриши таъминланмайди, донга тош, қум кабилар аралашиб қолади.

Конвектив усул энг кўп тарқалган усул ҳисобланади. Бу усулда ҳосил қилинган қуритиш агенти (иссиқ ҳаво) ни дон қатламлари орқали ўтказиб намликни буғлантириш ва буғланган намликни ҳаво оқими орқали қуритиш камерасидан чиқариш орқали амалга оширилади. Бу усулда турли конструкциядаги қурилиш қурилмалари ишлайди [2]. Бундай қурилмаларнинг ҳаммасида эмас, балки айримларидагина дон массасининг текис қуриши таъминланган. Донни конвектив усулда қуритиш қурилмаларида иссиқ ҳавони дон оқими бўйича, дон оқимига қарама-қарши, кўндаланг ва аралаш ҳолда бериш тўғрисида маълумотлар берилган [3]. Қуритиш агенти ва дон массаси ҳароратининг қуритиш масофасига боғлиқлиги кўрсатилган. Биз томонимиздан лойиҳаланган, тажриба нусхаси тайёрланган, конвектив усулдаги дон қуритиш қурилмасида юқоридаги келтирилган тавсиялар инобатга олинди ва дон массасининг ҳажм бўйича бир хилда қуриши ва зарарли аралашмалардан муҳофаза қилиш таъминланди [4]. Қурилманинг қуритиш жараёни технологик схемаси 1-расмда, унинг тажриба нусхаси 4-расмда келтирилган.



1-расм. Қурилманинг қуритиш жараёни технологик схемаси


Келтирилган иккита қуритиш усулларида қуритилган дон массасининг сифат кўрсаткичларини таққослаш мақсадида, тажриба ўтказиш учун Андижон вилоятида маҳаллий шароитда етиштирилган “Аланга” навли шולי танлаб олинди ва радиацион усулда турли $W=14\%$, $W=12\%$, $W=10\%$, $W=8\%$, $W=6\%$ намликларда қуритилди. Қуритиш жараёнида шולי массасининг ҳарорати 35°C ни ташкил этди. Ҳар бир намликка эга бўлган 150 кг шолидан механик ишлов бериш билан гуруч ва оқшоқ (гуручнинг синиғи) олинди. Олинган натижаларига кўра, шолидан механик ишлов бериш натижасида олинadиган гуруч миқдори шолининг намлик миқдори ортиши билан камайиб бориши, оқшоқ миқдори эса намлик 6 фоиздан 14 фоизга ортиши билан кўпайиб бориши аниқланди (2-расм).



2-расм. Радиацион усулда қуритилган турли намликдаги шолдан олинadиган гуруч ва оқшоқ миқдорининг ўзаро боғлиқлик графиги

Маълумки, ҳар қандай материалнинг мустаҳкамлиги эластиклик модули билан ҳарактерланади [5]. Шунинг учун эластиклик модулини ортиши механик ишлов беришда шолдан гуруч ҳосил бўлиши кўпайиши учун хизмат қилади. Шолининг эластиклик модули [6] ишда ўрганилган бўлиб, унинг қийматлари келтирилган.

Тажрибани давом эттириш мақсадида юқорида келтирилган шולי навидан 10% намликка эга бўлган 150 кг миқдордаги шולי массаси олинди ва икки хил усулда: радиацион усулда (3-расм) ва қурилмада (4-расм) қуритилди. Радиацион усулда шולי массасининг ҳарорати



3-расм. Шолини радиацион усулда қуритиш



4-расм. Шолини қурилмада қуритиш

35°C ни, қурилмада эса 30°C ни ташкил этди. Натижада 6% намликка эга бўлган 144 кг миқдордаги шоли ҳосил қилинди. Ҳар бир усулда қуритилган шоли массаларига бирин-кетин “дондан-донга” усулида механик ишлов бериш натижасида 1-жадвалда келтирилган маҳсулотлар ҳосил қилинди. Жадвалдан қурилмада қуритилган шолини қайта ишлашда оқшоқ миқдори камайгани ва гуруч миқдори ортганини кузатиш мумкин.


1-жадвал

Радиацион усулда ва қурилмада қуритилган шоли массасини қайта ишлашдаги олинган маҳсулотлар миқдорлари

Қури-тиш усули	Қури-тиш ҳа-рорати, °C	Шоли мас-саси, кг	Гуруч миқ-дори, кг	Оқшоқ миқ-дори, кг	Шоли пўст-лоғи, кг	Омухта ем, кг	Қури-мас чанглр, кг
Ради-ацион усул	35	144	100	5	14	20	5
Қурил-мада, кон-вектив усулда	30	144	102	3	14	20	5

Олинган натижаларга кўра, қури-тиш қурилмасида қури-тилган шолидан олинадиган гуруч миқдори юқори экан-лиги аниқланди (5-расм).

Бир хил намликдаги шолидан икки хил қури-тиш усул-ларини қўллаш натижасида олинган гуруч ва оқшоқнинг фарқли бўлишини куйидагича изоҳлаш мумкин. Табиий усулда қури-тиш учун 3-расмда кўрсатилганидек, шоли массаси маълум майдонга, бирор қалинликда ёйиб чиқилади ва вақти-вақти билан пастки қатлам юқорига, юқори қатлам эса пастга аралаштириб турилади. Аралаштириш ишлари инсон томонидан бажарилади ва шу жараёни бажариш вақтида дон ҳажми бўйича намлик-нинг бир хиллиги қисман таъминланмай қолинади. На-тижада дон массасининг айрим участкаларида намлик 6 фоиздан юқори бўлади, бу эса шолининг эластиклик модули кичраишига олиб келади. Натижада, кейинги механик ишлов пайтида гуруч осон синади ва оқшоқ



(А-радиацион усулда қуритилган шоли учун, Б-қури-тиш қурил-масида қуритилган шоли учун)

5-расм. W=6% намликдаги шолидан олинадиган гуруч ва оқшоқ миқдорининг ўзаро боғлиқлик графиги

миқдори ортади.

Қури-тиш жараёнида шоли винтли транспортёр (шнек) орқали қури-тиш барабанига берилади. Шолининг дастлабки аралашини шнекда, тўла аралашини эса бўйлама қовурғалар билан таъминланган қури-тиш барабанида амалга ошади. Шундай қилиб, қури-тиш қурилмасида шоли массасининг тўла ҳажми бўйича намликни бир хил таъминлаш имконияти пайдо бўлди. Бу эса, шолини қайта ишлашда гуруч миқдорини оши-ришда асосий, ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Маълумки, дон массасининг асосий физик хусусият-ларига ғоваклилик, сочилувчанлик, ишқаланиш бурчаги, иссиқлик ўтказувчанлик ва температура ўтказувчанлик, иссиқлик сиғими, термонамлик ўтказувчанлик кабилар киради [7]. Қури-тиш қурилмасида қури-тилаётган шоли массаси шнек орқали ўтиши жараёнида унинг қипиқча-лари синиши кузатилди (6-расм).



6-расм. Қури-тиш қурилмасида шолини шнек орқали ўтишидан олдинги (А) ва кейинги (Б) ҳолати

Шолининг қипиқчалари синиши туфайли шоли массасининг ғоваклилиги камайди ва шолининг сочи-лувчанлигини орттиради. Социлувчанликнинг орти-ши ишқаланиш бурчагининг камайишига олиб келади. Маълумки, сочилувчанлик ва ишқаланиш бурчаги донни қайта ишлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, ғоваклиликнинг камайиши дон мас-

сасининг донлар орасидаги бўшлиқ (ҳавонинг) камайишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида шולי массасида донлараро иссиқлик ўтказувчанликни орттирди. Донни қуритиш учун ҳосил қилиниши керак бўладиган Q - иссиқлик миқдори қуйидагига тенг бўлади [8] :

$$Q = m \cdot c \cdot \Delta t \quad (1)$$

бу ерда, c – шולי массасининг солиштирма иссиқлик сиғими, ж/кг·°С

m – шולי массаси, кг

Δt – ҳароратлар фарқи, °С

Маълумки, c_x – ҳавонинг солиштирма иссиқлик сиғими миқдори c_w – шולי донининг солиштирма иссиқлик сиғими миқдоридан катта, яъни:

$$c_x > c_w \quad (2)$$

Қуритиш бошланганда шולי массасида ғоваклилик юқори бўлганлиги учун унинг c_1 – солиштирма иссиқлик сиғими кейинги ғоваклилик кичрайгандаги c_2 – солиштирма иссиқлик сиғимидан катта бўлади: $c_1 > c_2$

Шундай қилиб, қуритиш жараёнида шולי массасининг солиштирма иссиқлик сиғими кичрайиши мақсадга мувофиқ бўлиб, (1) ифодага кўра қуритиш учун талаб

этиладиган Q – иссиқлик миқдорининг камайишига олиб келади. Натижада қуритиш жараёнида энергия сарфининг камайишига эришилади.

Хулоса:

- донни махсус қурилмаларда қуритишда дон массасининг физик хусусиятларини яхшиланиши натижасида қуритиш сифати яхшиланади;

- донни қайта ишлаш технологик жараёни қуритиш жараёнига узвий боғлиқ бўлиб, қуритиш жараёнидаги йўл қўйилиши мумкин бўлган камчиликлар дон маҳсулотларининг сифатига ва сотилиш нархига таъсирини ўтказиши;

- донни махсус қурилмаларда пастроқ ҳароратда қуритилганда қайта ишлашда олинадиган сифатли маҳсулот миқдори ортади;

- донни, хусусан шolini радиацион усулда қуритиш арзонга тушади, бироқ қайта ишлаш натижасида олинадиган маҳсулот миқдори камаяди;

- 1,5 тонна миқдоридаги шolini махсус қуритиш қурилмаларда қуритишдан 100000 сўмдан ортиқ иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги "Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3003-сонли Қарори.
2. Манасян С.К. Принципы конвективной сушки зерна. Вести. КрасГАУ-2008, - №6. - 145 с.
3. Dr.Dirk E.Maier and Dr.Fred W. Bakker-Arkema. Grain drying systems. St.Charles, Illinois, U.S.A - 2002. - p. 44
4. Беккулов Б.Р., Алиев Р. ва бошқалар. Дон маҳсулотлари учун кўчма қуритиш қурилмаси. ЎР Интеллектуал мулк агентлигининг талабномани кўриб чиқишга қабул қилингани тўғрисидаги қарори, №14949, 11.10.2017. (талабнома FAP 20170050, 02.05.2017).
5. Ўрозбоев М.Т. Материаллар қаршилиги асосий курси. - Тошкент. Ўқитувчи, 1973. - Б. 512.
6. Подгорный С.А. Термовлагодомеханические процессы и перенос тепла и массы при сушке зерновых материалов. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора технических наук. Краснодар, 2015. - 15 с.
7. Физические свойства зерновой массы. <http://www.comodity.ru/grainflour/rawmaterials/11.html>
8. Зависимость количества теплоты от температуры. <http://files.school-collection.edu.ru/dlrstore/14f31303-f9cc-a4e9-ee9e-2eaa9568def1/00149789727225968.htm>.

СУВ ХЎЖАЛИГИ СОҶАСИДА 2017 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ВА 2018 ЙИЛДА РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ИШЛАР

Р.А. Мамутов – Сув хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш ва капитал қурилиш бош бошқармаси бошлиғи

Т.З. Султанов – т.ф.д., Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини

механизациялаш муҳандислари институтининг илмий ишлар бўйича проректори

З. Ишпулатов – Сув хўжалиги вазирлиги, Сувдан фойдаланиш ва сув тежайдиган технологияларни ривожлантириш бошқармаси бўлим бошлиғи



2017 йилда республика сув хўжалиги тизимидаги ташкилотлар томонидан сув ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, сув ресурсларининг давлат бошқарувини амалга ошириш ва сувдан фойдаланишнинг бозор принципларини жорий этиш, давлат сув хўжалиги тизимининг замонавийлаштирилишини таъминлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан:

Чекланган сув миқдорларидан фойдаланиш бўйича 2017 йилнинг 31 декабрь ҳолатига барча сув омборларда 10522 млн.м³ сув захираси бўлиб, бу олдинги йилдагидан 1458 млн.м³ га кўпдир. Республика бўйича суғориш даврида олинган сув миқдорлари 40828 млн.м³ ёки лимитга нисбатан 105 фоизни ташкил этган. Олинган сув билан 21114 минг гектар майдонда суғориш ишлари олиб борилиб, 5611 минг гектар ғалла, 6102 минг гектар ғўза майдонлари суғорилди.

Вилоятларда сув ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланишда йўл қўйилган камчиликлар, яъни ирригация тизимларидан сув олиш қоидаларини бузилиши, сувдан хўжасизларча фойдаланиш, сув хўжалиги объектларидан олинадиган сув миқдорининг ҳисобини юрийтиш қоидаларига амал қилмаслик каби ҳолатлар аниқланиб, уларга нисбатан қонун доирасида белгиланган чоралар кўрилган. Жумладан, мавсум давомида сув ва сувдан фойдаланиш борасидаги қонун-қоидаларни бузган айбдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси асосида 2684 та ҳолат юзасидан тузилган баённомалар асосида 603,4 млн. сўм жарима расмийлаштирилиб, жарималар тўлиқ ундирилган.

Сув истеъмолчилари уюшмалари фаолияти бўйича: бугунги кунда республикада 1503 та Сув истеъмолчилари уюшмалари умумий майдони 3,65 млн. гектар бўлган сув истеъмолчиларига, жумладан, фермер хўжалиқларига сув хўжалиги хизматини кўрсатди. Сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан 2017 йилда сув истеъмолчиларига жами 60,6 млрд. сўмлик хизмат кўрсатиш режалаштирилган бўлиб, 1 декабрга қадар 43,9 млрд. сўмлик хизмат кўрсатилди. Пахта-ғалла кредити ҳисобидан ажратилаётган маблағларнинг жойлардаги тижорат банклари томонидан ўз вақтида ҳамда тўлиқ СИУ ҳисоб-рақамларига тушириб берилмаётганлиги туфайли ҳисобот даврида 36,1 млрд. сўми ёки кўрсатилган хизматнинг 82 фоизи тўлаб берилган.

Ирригация тадбирлари бўйича: вазирлик тизимидаги эксплуатация ташкилотлари томонидан, 2017 йил 12 ойи давомида 17220 км узунликдаги хўжалиқлараро суғориш тармоқлари тозаланди ва бунда 234 та экскаватор ва бошқа машина-механизмлар жалб қилинди. Бу даврда 5609 дона

гидротехник иншоотлар ҳамда 4755 дона гидростлар таъмирланди. СИУ ва фермер хўжалиқларининг 115486 км масофадаги хўжалик ички суғориш ариқлари механизмда ва кўл кучи ёрдамида тозаланди, 16013 дона гидротехник иншоотлар ҳамда 20044 дона гидростлар таъмирланди ва 27437 дона сув олиш қулоқлари жиҳозланди.

Насос станциялари, энергетика бошқармалари бўйича: насос агрегатларини 2017 йилдаги йиллик таъмирлаш режаси 2628 дона бўлиб, амалда 2765 донаси таъмирланиб, режага нисбатан 105 фоизга бажарилди. Худди шунингдек, суғориш қудуқларининг 1433 таси таъмирланиб, йиллик режага нисбатан 109,8 фоизга кўпроқ бажарилган. Ички хўжалик насос агрегатларидан 1847 дона таъмирланиб, режага нисбатан 104,1 фоизга бажарилди. 2017 йилда сув хўжалиги ташкилотларининг насос станциялари учун белгиланган электр энергияси лимитидан ошилмади, аксинча 8363,03 млн. кВт. электроэнергия сарфланиб, лимитга нисбатан 5,38 млн.кВт энергия тежалди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ишлар:

Мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш тадбирларига 2017 йилда жами 253,7 млрд. сўм ажратилиб, тасдиқланган манзилли рўйхатга кўра, жами 150 та лойиҳада тадбирлар амалга оширилди. Ушбу маб-лағлар ҳисобига 889,4 км очиқ, 346,5 км ёпиқ-ётиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 66 дона вертикал дренаж қудуқлари, 6 дона мелиоратив насос станциялари, 205 дона гидротехник иншоотлар, 175 дона кузатув қудуқларини қуриш, реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. “Ўзмелио-машлизинг” давлат лизинг компанияси орқали замонавий мелиоратив техникалар харид қилиш учун 42,0 млрд.сўм маблағ йўналтирилди. Ушбу маблағлар ҳисобига 78 дона замонавий мелиоратив техника ва механизмлар харид қилинди.

Мелиоратив объектларни таъмирлаш-тиклаш тадбирларига 211,0 млрд. сўм ажратилиб, тасдиқланган манзилли рўйхатга кўра жами 272 та устувор лойиҳаларда шу жумладан 43 та йилдан йилга ўтувчи лойиҳаларда тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Ушбу маблағлар ҳисобига жами 15 618,0 км узунликда очиқ ва 1131,6 км узунликда ёпиқ-ётиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 13 дона мелиоратив насос станциялари, 758 дона вертикал дренаж қудуқлари, 39 дона сув ўлчаш иншоотлари, 1935 дона қувурли ўтиш жойлари, 1157 дона назорат қудуқлари, 90 дона гидротехник иншоотлар таъмирланди ва тикланди. Тизимли таъмирлаш-тиклаш ишларини бажаришда 760 дона мелиоратив техника ва механизмлар, ҳамда 1650 нафардан ортиқ оператор ва муҳандис-техниклар жалб этилди. Шунингдек, 272 та мелиоратив объ-

ектдан 220 тасида таъмирлаш-тиклаш тўлиқ якунланиб, белгиланган тартибда Ишчи ва Давлат қабул қилиш комиссияларининг далолатномалари расмийлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-2697-сонли қарорига асосан вазирликка 2017 йилда 443 000,0 млн. сўм капитал маблағ ажратилган. Ўтган йилда жами 170 та устувор лойиҳаларда шу жумладан 73 та йилдан йилга ўтувчи ва 97 янгидан бошланувчи лойиҳаларда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди. Ҳисобот йилида 464 137,2 млн. сўм капитал маблағлар ўзлаштирилиб, уларнинг ҳисобига 411,2 км умумий узунликдаги каналлар, 76,8 км узунликда лоток тармоқлари, 77 дона гидротехник иншоотлар, насос станцияларнинг 8,7 км узунликдаги босимли қувурлари, 18,3 м³/сек. қувватли насос станциялар, 1 км қирғоқ ҳимоя ишлари ва 73,9 км электр узатиш тармоқлари қурилди ва реконструкция қилинди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида 277 минг гектар ер майдонларини сув таъминоти яхшиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-2697-сонли қарори асосида 13 та лойиҳа режалаштирилган. Ҳукумат кафолати остида амалга оширилаётган мазкур лойиҳаларнинг 2017 йилда белгиланган маблағ ўзлаштириш режаси 181,48 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, амалда 198,76 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди.

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича вазирлик тизимидаги саноат корхоналари томонидан 52515,1 млн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 2016 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 108,1 фоизни ташкил этди. 2017 йилда 937 дона насос агрегатлари, 45 дона электродвигатель, 14,3 минг м³ йиғма темир бетон буюмлари, 79,1 минг м³ норуда материаллари ишлаб чиқарилди.

Маҳаллийлаштириш Дастурлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 декабрдаги “2017–2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида”ги ПҚ-2698-сонли қарори асосида тармоқ жадваллар тузилиб, 4 дона Д2500-62 русумдаги насослар, 2 дона 10Э20М.32.1 русумдаги земснаряд, 6 дона конвекцион қуёш станцияси ҳамда 30 дона мембран насослари ишлаб чиқарилди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида тизимдаги корхона ва ташкилотлар томонидан мамлакатимиз саноат корхоналаридан маҳсулот харид қилиш бўйича умумий қиймати 116 683,3 млн. сўмлик миқдорида шартномалар тузилган. Мазкур шартномаларга асосан 122 634,1 млн.сўмлик маҳсулотлар харид қилиниб, ишлар (105,1 фоизга) бажарилган. Шунингдек, Сув хўжалиги тизимдаги “Сувмаш” АЖнинг экспорт режаси 151,3 минг АҚШ долларида 171,1 минг АҚШ доллари ортиғи билан 113,1 фоизга бажарилди.

2017 йилда сув хўжалиги эксплуатация ташкилотларини молиялаштириш бўйича йил давомида жами 2 539,3 млрд. сўм миқдорида бюджет маблағлари ажратилган бўлиб, шундан 432,4 млрд. сўми иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, 108,8 млрд. сўми иш берувчининг ажратмалари, 1 680,1 млрд.сўми электр энергияси харажатлари, 261,7 млрд. сўми жорий ва капитал таъмирлаш, механизмлар ёрдамида тозалаш ва бошқа эксплуатация

харажатларини ташкил этди.

Ирригация тизимлари, улардаги гидротехник иншоотларнинг техник ҳолатини яхшилаш мақсадида 2018 йил давомида 4997 км узунликдаги хўжаликлараро суғориш тармоқларини тозалаш, 5327 дона гидротехник иншоотларни ҳамда 3628 дона гидропостларни таъмирлаш режалаштирилган.

Шунингдек, 2018 йилда жами 537,9 млрд. сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, ажратилган маблағлар эвазига 456,1 км узунликдаги каналлар, 221,3 км узунликдаги лоток тармоқлари, 56 дона гидротехник иншоотлар, 54,2 м³/сек. сув сарфига эга бўлган насос станциялари, 22,5 км узунликдаги босимли қувурлар, 28,5 км узунликдаги электр узатиш тармоқлари, 2 дона суғориш қудуқлари, 632,7 млн.м³ ҳажмдаги сув омборлари қуриш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Жумладан, Қашқадарё вилоятида Гулдара сув омборлари қурилиб ишга туширилиши, Андижон вилоятида Майлисой, Жиззах вилоятида Боғимзорсой, Самарқанд вилоятида Булунғур, Сурхондарё вилоятида Хонгаронсой ва Обизаранг, Тошкент вилоятида Тоштепа, Паркентсой ва Қизилсой сув омборлари қурилиши бошланиши, шунингдек, Тошкент вилоятида Оҳангарон, Наманган вилоятида Қорасув сув омборлари ҳамда Қашқадарё вилоятида Деҳқонобод сел сув омборларининг сув сифими оширилиши белгиланган.

Юқоридаги тадбирларни амалга оширилиши натижасида 269,6 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ҳамда 1200 минг гектардан ортиқ ерларнинг сув таъминоти яхшиланишига эришилиш режалаштирилган.

“Ўзгидромет” марказининг маълумотига кўра, шу кунгача ёгингарчилик миқдори ва қор захираси кам бўлганлиги, республиканинг аксарият сув омборларида сув ҳажми кўп йиллик меъёрга нисбатан кам йиғилганлиги сабабли 2018 йил ёзги суғориш мавсумида сув таъминотида қийинчиликлар кузатилиши мумкин.

Жорий йил суғориш мавсумида кутилаётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш, суғориладиган ерларни сув билан кафолатли таъминлаш ҳамда мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан тегишли қарор қабул қилиш ҳамда комплекс чора-тадбирлар белгиланган бўйича ишлар олиб борилмоқда. Мазкур тадбирларни илмий асосда ташкил этиш мақсадида соҳадаги олимлар, тажрибали ва маалакали мутахассислардан таклифлар олиниб, умумлаштирилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, ёзги суғориш мавсумида барча бўғинларда сувдан самарали ва тежамли фойдаланиш, сувни тежайдиган технологияларни кенг қўллаш, далани суғоришга тўлиқ тайёрлагандан кейин сув очиш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, фермер хўжаликларининг ички суғориш тармоқларини тозалаш, қишлоқ хўжалиги экинларини сув таъминотига қараб жойлаштириш, суғориш ишларига етарлича сувчиларни жалб қилиб, тунги ва навбатлаб суғоришни йўлга қўйиш талаб этилади.

Юқоридаги тадбирларни уюшқоқлик билан амалга ошириш орқали 2018 йилги суғориш мавсумини муваффақиятли ўтказишимиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан кўзланган ҳосилни олишимиз, пировард натижада халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда кўпроқ маҳсулотни экспортга йўналтиришимиз мумкин бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2018 ЙИЛ 2 ФЕВРАЛДАГИ “2018 ЙИЛ МАВСУМИДА ЭКИН МАЙДОНЛАРИНИ СУВ БИЛАН КАФОЛАТЛИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУВ ТАНҚИСЛИГИ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ 74-СОНЛИ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Фавқуллодда вазиятлар вазирлиги хузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг (кейинги ўринларда Ўзгидромет маркази деб аталади) дастлабки прогноз маълумотларига кўра 2018 йилда сув ҳажми 2017 йилга нисбатан 20-25 фоизга кам бўлиши, меъёрга нисбатан Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларида 85-90 фоиз, Вахш, Зарафшон, Норин, Қорадарё, Фарғона водийси дарёларида 80-85 фоиз, Сурхондарё ва Қашқадарё дарёларида эса 70-80 фоиз бўлиши кутилмоқда.

Бугунги кунда Жиззах, Зомин, Қоровултепа, Оқдарё, Каттақўрғон, Қуйимозор, Шўркўл, Тўдакўл, Ҳисорак, Пачкамар, Чимқўрғон, Қамаш, Талимаржон, Жанубий Сурхон сув омборларида сув захираси меъёрга нисбатан 30-40 фоизга камлиги қайд этилган.

2018 йил мавсумида кутилаётган сув танқислиги салбий таъсирини юмшатиш, суғориладиган ерларни сув билан кафолатли таъминлаш ҳамда мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2018 йил мавсумида кутилаётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш, суғориладиган ерларни сув билан кафолатли таъминлаш ҳамда мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш тадбирларини мувофиқлаштириш бўйича республика ишчи гуруҳининг (кейинги ўринларда республика ишчи гуруҳи деб аталади) таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика ишчи гуруҳига:

- сув омборларидаги сув ресурсларидан фойдаланишни тўлиқ назоратга олиш, айниқса, сув омборларидан сув чиқаришни қатъий равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимларининг аниқ ҳисоб-китобларга асосланган буюртманомалари бўйича амалга оширишни йўлга қўйиш;

- мавжуд суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларининг мавсумга шайлигини таъминлаш билан боғлиқ барча тадбирлар ижроси устидан қатъий мониторинг олиб бориш тизимини йўлга қўйиш;

- республика ҳудудларида экиладиган барча турдаги экинларнинг сув билан таъминланганлик даражасидан келиб чиқиб жойлаштирилишини, айниқса, сув кўп талаб қиладиган экин майдонларини зарур ҳолларда қисқартириш чораларини кўриш;

- мавсум давомида ҳар 10 кунда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳолатини танқидий ўрганиш ва ушбу масалада мутасаддилар ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб бориш топширилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларига кутилаётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланишни мувофиқлаштириш

бўйича вилоят, туман ва тўртта секторда ҳудудий ишчи гуруҳлар таркибини уч кун муддатда тасдиқлаш топширилсин.

3. Республика ишчи гуруҳи Ўзгидромет маркази томонидан 2018 йил суғориш мавсуми учун тақдим қилинадиган аниқ прогноз маълумотларига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинларини оқилona жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида” 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3281-сон қарори билан тасдиқланган прогноз параметрларига сувни кўп талаб қиладиган шולי ва бошқа экинларни, шунингдек, тақрорий экинларни жойлаштириш бўйича тегишли ўзгартириш киритиш бўйича таклиф тайёрласин.

4. Қуйидагилар:

2018 йил мавсумида кутилаётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш, суғориладиган ерларни сув билан кафолатли таъминлашда мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар режаси

2-иловага мувофиқ;

- 2018 йил мавсумида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун чекланган сув ҳажми 3-иловага мувофиқ;

- 2018 йил февраль-май ойларида сув хўжалиги ташкилотларининг эксплуатация маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган ирригация тизимлари ва улардаги гидротехника иншоотларини, насос агрегатлари ва вертикал қудуқларни таъмирлаш-тиклаш ишлари режаси 4, 4.1–4.13 ва 5-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 10 кун муддатда ушбу қарорнинг 3-иловасидан келиб чиқиб чекланган сув ҳажмларини ҳар бир суғориш тармоғи, сув истеъмолчилари ва фермер хўжаликлари бўйича тасдиқлаб, тегишли шартномалар расмийлаштирилишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги 2018 йил февраль-май ойларида сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш мақсадида биринчи навбатда бажарилиши лозим бўлган ирригация-мелиорация тадбирларини амалга ошириш учун Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига ажратилган эксплуатация харажатлари ҳамда Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаментига III-IV чоракларга ажратилган маблағларнинг бир қисмини асосланган ҳисоб-китобларга кўра I ва II чоракларга кўчириб молиялаштиришни таъминласин.

6. 2018 йил февраль-май ойларида сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжалиklarининг маблағлари ҳисобидан суғориш тармоқлари ва гидротехника иншо-

отларини таъмирлаш-тиклаш ҳамда сув олиш жойларини сувни бошқариш воситалари билан жиҳозлаш ишларининг кўрсаткичлари 6 ва 6.1–6.13-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат хариди ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармаси, “Агробанк” АТБ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда 2018 йил кузги бошоқли дон ва пахта ҳосилини етиштириш харажатларини молиялаштиришда сув истеъмолчилари уюшмалари учун ажратмалар ва фермер хўжаликлари сувчиларининг иш ҳақи харажатлари учун ҳар 15 кунда мақсадли маблағлар ажратилишини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2018 йилнинг 10 февралигача Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ экин майдонларига коллектор-дренаж тармоқларидан қўшимча сув етказиб бериш учун 1000 та кўчма дизель насос агрегатларини харид қилиш учун маблағ ажратиш масаласини ҳал қилсин.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станциялар ва вертикал қудуқларнинг электр энергияси учун сарфлаган харажатлари 2018 йил 1 июль ва йил якунлари бўйича тўлиқ қоплаб берилишини таъминласин.

9. 2018 йил мавсумида сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилишнинг прогноз кўрсаткичлари 7 ва 7.1–7.13-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари фермер хўжаликлари бўйича сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилишнинг манзилли дастурини 15 кун муддатда тасдиқласинлар ва “Ўзмелиомашлизинг” ДУКга тақдим қилсин.

“Ўзмелиомашлизинг” ДУК Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан тасдиқланган манзилли дастурга асосан тегишли фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга кўчма эгилувчан қувурлар комплекти лизинг асосида етказиб берилишини таъминласин.

Барча тижорат банкларига фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга кўчма эгилувчан қувурлар комплектини лизинг асосида харид қилиш учун зарур ҳажмда фоиз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда кредитлар ажратиш тавсия қилинсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда сув ресурсларини тежаш ва экинларни суғориш даврийлигини қисқартиришнинг инновацион таклифларини ишлаб чиқиш ва ривожланган мамлакатларнинг соҳага оид илғор тажрибаларини қўллаш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда сув олиш лимитларига мувофиқ насос станциялари ва қудуқларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш жадвалларини бир ҳафта муддатда тасдиқласинлар ҳамда бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар

вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

жорий йилнинг 25 февралигача ҳар бир вилоят ва туманда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ирригация тизимлари ва суғориш тармоқларини тозалаш, насос агрегатлари ва гидротехника иншоотларини таъмирлаш, фермер хўжаликларининг сув олиш жойларини сувни бошқариш воситалари билан жиҳозлаш, сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш, далада сувчилар учун шароитлар яратилиши ва тунги суғориш ишлари ташкил этилиши бўйича ўқув-тактик машғулотларини ташкил этсинлар;

- тунги суғоришни ташкил қилиш ҳамда мазкур ишларга жалб қилинганларга зарур шароитлар яратилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсинлар ва ҳар 10 кунда Республика ишчи гуруҳига ахборот берсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти 2018 йил мавсумида кутиладиган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш мақсадида сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ кўчма эгилувчан қувурлар комплектини ишлаб чиқариш учун “Жиззахпластмасса” акциядорлик жамиятига, чигитни плёнка остига экиш учун талаб этиладиган плёнка маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун “Андижон-полиэтилен” масъулияти чекланган жамиятга 15 кун муддатда полиэтилен грануласи истисно тариқасида чегараланган нархларда ажратилишини таъминласинлар.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманларнинг тўртта сектор раҳбарлари ушбу қарорда назарда тутилган ҳар бир тадбирнинг аниқ ижрочисини ва муддатларини белгилаш ва ижроси устидан кунлик назоратни амалга ошириш учун шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига ушбу қарорда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш ҳамда тадбирлар ўз вақтида бажарилишини таъминламаган ёки сусткашликка йўл қўйган барча бўғиндаги раҳбарлар ва масъулларга нисбатан қатъий чоралар кўриш тавсия этилсин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т. Мирзаев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.С. Султанов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. Арипов

Тошкент шаҳри

2018 йил 2 февраль

